

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Бутунтиффоқ XIX партия конференцияси ва ВЛКСМнинг XX съезди қарорларидан келиб чиқиб, партиянинг жанговар ерданчилик комсомол ташкилотлари ўз олдларига конкрет, илтимонли ва сиёсий аҳамиятга эришган мақсадларини қўймоқда.

Халқлар дўстлиги ордени Тошкент кишлоқ хўжалиги институтини комсомол комитетининг асосий фаолиятини аниқлаш талаблар асосида ташкил қилиб, ҳозирги ошкоралик ва демократия руҳига мос иш олиб бормоқда.

Муҳбиримиз яқинда институт комсомол комитетининг секретари Алишер Ортиқхўжаев билан мулоқотда бўлди.

— Қайта қуриш биз комсомоллар ҳаётида ҳам кескин бўрилиш ясади. Айниқса, комсомол ташкилотлари ўз ҳуқуқларини чуқурроқ билиб олишда, кўпроқ, мустақилликка эга бўлишда. Натижада ишларни ташкил қилишда ҳам, комсомоллар билан мулоқотларда ҳам икки қилкиларга эриша бошладик. Биласиз, илгариларги комсомол ташкилотлари ўзидан юқорида турувчи ташкилотнинг чизган чизгидан четга чиқмас, бу эса мустақиллик, ҳар бир муаммага ўзига хос ижодкорона ёндашгани келмаб қўяди эди. Яна қозғоғозликни айтмайсанми? Энди эса ўз ишларининг секин-астали билан бўлса-да, ўз-ўзини бошқариш асосига қўймоқдамиз. Яқинда мана шу масала бўйича СССР кишлоқ хўжалиги академиясида малака ошириб қайтдим. Студентларимизнинг ўз-ўзини бошқаришга ўтиши муносабати билан кўп ўзгаришлар юз берди: 25 нафар студентимиз институт илмий кенгашига аъзо бўлиб киритилди. Улар илмий кенгаш йиғинларига олимлар билан баб-баравар ҳуқуққа эга. Гурпула ва курслардаги ташкил ишларда ҳам, маданий-оқрувчи тадбирларини амалга оширишда ҳам юқоридаги принцип асосида иш юрляпмиз. Маданий

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

Даромад гарови

Бу йилги энг муҳим иқтисодий ўзгаришлардан бири мамлакатимизнинг барча корхоналари тўла хўжалик ҳисобига ўтиши ва ўз-ўзини моддий жиҳатдан таъминлаш методига иш бошлашидир.

Шахримиздаги экспериментал ишлаб чиқариш автотранспорт корхонаси меҳнат коллективиде яқинда ижара пудратини амалда қўллаш ҳақидаги янги Низом ишлаб чиқилди.

Автотранспортнинг мазкур методда иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Таърихда тарихқасдаги дастлабки машиналар ўтган йилнинг учинчи кварталда иш бошлаган эди. Бугунга келиб ижарадаги таксилар сон 81 тага етди. Фикримизга бу рақамлар автотранспортга учун чегара эмас. Ижара асосида ишлаш истагини билдирётганлар ҳозир ҳам талайгина.

Корхонага биринчи марта келганимизда, янги методнинг дастлабки натижалари ҳали таҳлил қилиб қўрилмаган эди. Кейинчалик эса экспериментал ишлаб чиқариш автотранспортдаги қўрсаткичлар ишда сезиларли силжиш юз бераётганини кўрсатди.

Такис ҳайдовчилари ойига план бўйича 1050 сўм 1085 сўмдан пул топирадилар.

Давлат корхонаси ўзига келтириладиган маблағнинг ҳар сўмидан 15 тийинини ишчининг маошига ажратиб боради. Қолган қисми давлат ва корхона фондига қўйилади. Ҳайдовчиларнинг иш ҳақи уларнинг топишган пулга қараб белгиланади.

Бутунтиффоқ кунда ижара методини ҳамма корхоналар ўз шартларига қараб, ў еки бу формаларда ташкил этипти. ЭПАПда бу метод автомобил эксплуатациясига сарфланаётган маблағларни камайтиришга мўлжалланган. Бу ерда оддий машиналарнинг профитластик ва капитал ремонтлари корхона ҳисобидан, ижарадагилари эса ҳайдовчилар ҳисобидан бажарилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир ҳайдовчи ўз автомобилнинг аъло техник ҳолатидан манфаатдор. Чунки ортқича сарф-харажатнинг унга қизиги йўқ. Ижарачилар учун машинадан фойдаланиш вақти ва юриш масофаси белгиланган. Улар ойига ўртача 173.1 соат ишлаб, 7000 километр масофага ҳайдовчиларга хизмат кўрсатишлари мумкин. Шу ўринда «ўз-ўзиндан ҳайдовчиларнинг ва коллатлари келмаб қўйилган эканда» деган савол туғилади. Албатта, йўқ. Ҳайдовчилар бу методда ишлашдан манфаатдорлар. Улар 7000 километрдан зиёд масофани босиб ўтсалар, ҳар километр учун корхонага 5 тийиндан тўлашга мажбурлар. Тушган маблағнинг бошқа қисми унинг ўзига қолади. Яқинда автотранспорт корхонасида 400 минг километрдан зиёд масофага таксилар ўтган оддий ва ижарадаги таксилар иш аналizi қилиб қўрилганда, кейингиларнинг ҳар соҳада самара бераётгани маълум бўлди.

Оддий таксиларнинг қайта қисми техника носозлиги, ҳайдовчиларнинг ишга чиқмагани туфайли парда қилиб кетаётган бўлса, ижарадаги машиналар ҳар доим юз фоиз линияга чиқмоқда. Улар орасида ишга чиқмаслик ҳолларига барҳам берилди. Автокорхонадаги сўнгги якунлар ижарадаги автомобилларга сарфланаётган маблағ 50 сўмга қисқарганини кўрсатди.

Э. Ёкубов (1-колонна), А. Йўлдошев (2-колонна), В. Богданов (3-колонна) ва Е. Малашиялар (3-колонна) янги метод афзалликлари амалда исботлаб, ҳамкасбларига намуна кўрсатмоқдалар.

Экспериментал автотранспорт корхонаси хўжалик ҳисоби асосида иш юрита бошладик. Эндиликда автомобилларга сарфланаётган маблағларни қисқартириш, қўшнича деталларни исроф қилмаслик, ёқилғи ресурсларини тежаш, энг асосийси, ишчиларнинг онги ва масъулиятини ошириш эвазига даромад фондини яратиш лозим. Бу вазифаларни ҳал қилишда эса ижара пудрати муҳим вазифани бажаради.

В. МАДИМАРОВА.

Обрў мисқоллаб йиғилади

Институтда турли миллат вакиллари катта бир интернационал билан ташкил қилиди. Бизда 401 чет эллик талаба ўқийди. Масалан, қўшни Афғонистондан 40, Ўзбекистондан 10, Ўзбекистондан 33, Ласосдан 60, Эфиопиядан 73 студент бор. Уларнинг кўпчилиги агрономия ва иқтисод факультетда таълим олишади.

Комсомол ташкилотини қандайдир чет элликлар билан ишлаш группаси бор. Унга комитет мусовини раҳбарлик қилади. Чет эл студентлари билан ҳамкорликда тузилган интернационал дўстлик клубининг 30 аъзосининг ярами ўзининг талабаларидир. Бу клубнинг президенти агрономия факультетининг 2-курс студенти қозғоғиз Битора Жумахондир.

Комсомол обрўсини кўтаришда ҳам кўп ишларни амалга оширяпмиз. Муаммоларни эса буюр аъзолари билан бирга ечяпмиз. Лозим бўлса партия ташкилотидан маслаҳат, ердан сўраймиз. Масалан, шу хусусда яқинда студентлар касбага союзи билан ҳамкорликда институтини территориясидаги буфетлар ишини назорат қилиб боришни уюштирдик. Илгарилар билан бундай ҳуқуқ йўқ эди. Фаолиятимиз ошган сари комсомол обрўсини ҳам ортиб борапти. Ҳа, ким меҳнат қилса обрў топади. Обрў эса мисқоллаб йиғилади. Институтимизда ўқир зехнлилар мушоирасини ташкил қилганмиз. Студентларимиз ўтган йили телевидениеда олиб борилган «Кувноқлар ва зукколар» кўрсатувиде ҳам иштирок этишиб, ирригация ва кишлоқ хўжалик машиналарини механизациялаш институтини талабалари устидан голиб келишди. Яқинда Самарқанд кишлоқ хўжалиги институтини билан баҳслашамиз. Зукколар орасида 7 қардош мил-

лат вакили ҳамда чет эллик талабалар бор. Бу кўрсатув ҳам телевидениеда берилди. Булардан ташқари институтимизда мунтазам суратда ҳар йили хаваскор студентлар фестивали ўтказилади. Шу йил баҳорга мўлжалланган бу конкурс «Дўстлик байроғи остида» шiori асосида ўтади. Унда 9 факультет талабалари иттифоқимиздаги 15 республиканинг тили, урф-одатлари бўйича чиқишлар қилади, ўша республикадаги ёзувчилар асарлари асосида кўрсатувлар тайёрлашади, шеърлар ўқийди. Анжуманга қардош республикалардан меҳмонлар ҳам таклиф қилинмоқчимиз. Бу фестивал студентлар орасидаги дўстликни, қардошлик алоқаларини мустақамлашга, бошқа республикалар ҳаёти, урф-одатлари, тили, маданияти, адабиёти, санъати билан яқиндан танишушимизга ёрдам беради.

Янгилини давриде, ишларимизни қайта қуришда қийинчиликларга ҳам дуч келинапти, албатта. Ҳали қамчиликлар кўп. Мана бир мисол: қўшнға ётоқхоналарда иссиқ сув таъминоти масаласи чатоқ. Ўз-ўзини бошқаришда моддий жавобгарлик постларига ҳозирча студентларимизни қўй олмай турибмиз. Биздан талабалар орасида, ётоқхоналарда туғилган муаммолар эъ вақтида ҳал этилмапти. Имконият йўқлиги туфайли уларнинг ижроси ҳам бўзилиб кетяпти. Ҳозир бу ва шу каби қамчиликларга барҳам бериш устида жиҳдий шуғулланаяпмиз. Бунда бизга XXVI шахар партия конференциясининг студентлар турмуши социал соҳасини ривожлантиришга қаратилган қарорлари албатта дастуриламал бўлмоқда.

Тошкент комсомоли



2-сабоқ

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси ҳузуридаги миллий муносабатлар ва тил муаммолари советининг аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Алибек РУСТАМОВ тахрири остида.

Адабий тилини ўрганиш ҳарф ўрганишдан бошланади. Шунинг учун бу сабоқда рус алифбоси билан танишамиз. Баёнимиз аниқ бўлиши учун сабоқларимизда иштиратилган махсус сўз ва ибораларнинг маъно ва қўлланиш ўринларини ҳам билишимиз, бинобарин, аввал «харф» сўзига изоҳ беришимиз шартдир.

«Харф» сўзини қадимги тилшуносларимиз, биринчидан нуқъ товуши ва унинг ёзувдаги белгиси, иккинчидан қўшимча ва қўшма (ердамчи сўз) маъноларида қўлланадилар.

«Харф» ва «Буква» сўзларининг нуқъ товуши ва ёзув белгисига нисбатан қўлланиши оддий сўзлашувда ҳозирча давом этиб келмоқда. Бироқ, замонавий тилшуносликда бу сўз фақат ёзув белгисига нисбатан қўлланади ва нуқъ товуши эса «товуш» деб аталади. Чунки ҳарф, яъни ёзув белгиси товушни билдирса ҳам, товушнинг аниқ ўзи эмас. Харф ёзув маъсули, товуш талаффуз маъсули. Товуш билан харфнинг бир эсам, икки нарсга эканлигини қадимги олимларимиз ҳам яхши билганлар, лекин ҳар иккинсини билдиргани учун ҳар иккинсини бир сўз билан «Харф» деб атай берганлар. Мақсад харф эканлигини таъкидлаш зарур бўлганда ёзилгандаги харф, мақод товуш эканлигини таъкидлаш керак бўлганда, айтадиларин харф деб «Харф» сўзини аниқловчи сўзлар билан қўлланадилар. Навоий ҳам шундай ҳолларда «мактуф» (ёзилган) ва «малфуз» (айтиладиган) деган сўзлардан фойдаланган.

Илмда аниқлиқнинг аҳамияти катта бўлгани чун ҳар бир нарсанинг ёни тушуначанинг ўз номи бўлган яхши. Шунинг учун кейинчалик «Харф» сўзининг фақат ёзув белгисига нисбатан қўллаб, сўз таркибиде уцайдиган нуқъ товушига нисбатан «Товуш» сўзини ишлатадиган бўлганлар. Бу илмий баённинг аниқ ва ихчам бўлишига сабаб бўлди. Гап шундаки, харф билан товуш ҳамма жиҳатдан бир-бирига мос кела бермайдик. Масалан, бир харф бирдан ёки турли ҳолатларда бир неча товушни билдириши мумкин. Я, Ю, Е, Ё харфларининг (ар бири иккита товушни билдиради. «Я» харфи «й» ва «а» товушларини, «Ю» харфи «й» ва «у» товушларини, «Е» харфи «й» ва «о» товушларини, «Ё» харфи сўз бошида «й» ва «э» товушларини англатади.

Русчада эса мазкур харфларнинг икки товуш билдиришдан бошқа яна бир муҳим вазифаси бор. Ру тилидаги текста бу харфлар ўзидан олдин келган ушшунинг илтиҳа талаффуз этилишини билдиради. Бу ҳолда улар «й» товушини билдиради. «Матъ» (она) сўзида «м» қалин талаффуз қилинса, «мьтъ» (ғижимламона сўзида товушни илтиҳа айтилади. Чунки иккинчи сўзнинг ёзма кўринишидаги «Я» харфи «а» товушини ва ўзидан олдинги «м» товушининг илтиҳа қилиб айтилишини билдиради. «Лукъ» (пиёз) сўзида «л» қалин талаффуз қилинса «люк» (дарча) сўзида илтиҳа айтилади. Чунки бу ерда Ю харфи «у» товушини ва ундан олдинги товушнинг илтиҳақлигини англатади.

Ўзбекчадаги «ж» харфини олсак, у баъзи ўзларда «ч» товушининг жаранглик жуфтини, айрим ўзларда эса «ш» товушининг жаранглик жуфтини билдиради. Масалан, «жон» сўзидаги «ж» харфини билдирги товуш бўлса «журнал» сўзидагиси эса «ш»нинг шундай жуфтидир.

Бир неча харф биргаликда ёки турли вазиятда бир товушни билдириши ҳам мумкин. Масалан, «тоғ» сўзининг охиридаги бурнак «г» товуши «нг» шаклида икки харф билан ифодаланади.

«Э» товуши сўз бошида «э» харфи, сўз ўрасида ва охирида «е» харфи билан ифодаланади. Немис тилида «ш» товуши ута, «ч» товуши тўртта, харф билан ифодаланади.

Демак, харф билан товушни сўзда ҳам фарқлаш, яъни ҳар бирини алоҳида атама билан аташ ҳам назий, ҳар амалий жиҳатдан зарур экан.

«Харф» сўзи ерданчи сўзини билдирганда мақод эътибор билан уни русчага яқин турда таржима қиламиз. Агар мақсад фақат шу сўз билдирган нарсанинг ўзини билдириш бўлса, «Харф» сўзини «воспомогательное слово» деб таржима қиламиз. Агар мақсад мазкур сўз туркумини қайси таълимот нуқтадан назаридан ифодаланганини ҳам аниқлаш бўлса, «Частица» деб таржима қиламиз ва таъхир учун, яъни «Частица»ни ҳозир маънода «юклама» деб тушунамасликлар учун «частица» в широком понимании, то есть в смысле служебного слова» деб изоҳ берамиз. «Харф» ёзув белгиси мўносида қўлланданда «Буква» деб таржима қилинади. «Товуш» маъносиде қўлланданда эса юқоридагидек тақсидга кўра ё «звук» деб, ё тегишли изоҳ билан «бува» деб таржима қиламиз. Русчадан «буква» сўзини ўзбекчага ағдарганда ҳам шу усулда «Харф» ёки «Товуш» деб таржима қиламиз. Рус тилида харф маъносидан лотинча «Литера» сўзи боб бўлиб, бу эски вақтда «буква» сўзи ўрнида ҳам қўлланди. Ҳозир эса у махсуслашган ва босмахона харфига нисбатан қўлланади. Бу сўз шу махсус маънода ўзбекчада ҳам «Литер» шаклида қўлланади.

Рус алифбесидеги харфларнинг иккитасидан ўзгаси ўзбек алифбесиде ҳам бор. Лекин бу харфларнинг ҳар бирининг русча ўқилиши ўзбекчадан фарк қилади. Бу ҳақда эса навбатдаги сабоқларда сўз юрлямиз.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

● **ВАРШАВА.** Варшавадаги «Польский» театри бўлиб ўтган «Артистлар — Арманистонга» хайрия концерт Польша халқи қалб саховатининг ифодаси бўлди. Шопеннинг ором-бахш куйлари, Мицкевич, Словачский, Гальчинский шеърлари, ҳозирги замон поляк композиторларининг асди санъат усталари ижросидаги қўшиқ ва балладалари элде арман халқи бошига тушган кулфатга инсоний ҳамадиллик муҳитини вужудга келтирди. Барча артистлар ва техник ходимлар, ўларнинг концертдаги иштирокчилари Арманистондаги фожияли эзилган кўрбонларига ёрдам формалари билан деб баҳоладилар. Оширилган нарҳдаги билетлари харид қилган томошбинлар ҳам бу ишга ўз ҳиссаларини қўшилар, концертдан тушган 2,5 миллион злотих пул таябти офатдан зарар қўрган қардош Арманистонга ёрдам фондига ўтказилди.

● **ТУНИС.** Нидерландия Фаластин Озодлик ташкилоти билан расмий мулоқот бошладик. Тунис пойтахтида бўлиб ўтган музокараларда Голландия ташқи ишлар министрлигининг бош директори Хенри Вейнандт ва Фаластин Озодлик ташкилоти сиёсий бўлимининг мудури Фаруқ Кадумий иштирок этидилар. Учрашув тугагандан кейин Фаластин вакили ташкилот Яқин Шарқ муаммосини бартараф этиш жараёида силжишга эришиш ишиде Нидерландия куч-ғайрат соғлашга умид боғлайди, деди. Вейнандт, ўз навбатида бўлиб ўтган музокаралар асоси ва фойдали бўлганлигини айтди. Нидерландия ташқи ишлар министрлиги бош директорини Фаластин Озодлик ташкилоти ижроа комитети раиси Яси Арафат билан учрашгани ҳам кутилмоқда.

● **ЛУСАКА.** АҚШ Африкадаги ривожланаётган амлакатларга фол иқтисодий ёрдам ўрнига ўзи эълон қилган ЖАР апартеид режими билан «амалий ҳамкорлик» йўлини давом эттириб, шунингдек Анголдаги УНИТА террорчиларга моддий ва ҳарбий жиҳатдан қўллашмоқда. «Фронт ёқиси» давлатлари группасининг раиси, Замбия президенти Кенет Каунда Лусакада Африка — Америка институтининг ишбасхони билан очилган ҳар йили ўтказиладиган Африка — Америка конференциясида сўзга чиқиб, шўларини айтди. ҚШ Африкадаги қўшнға мамлакатларнинг иқтисодий аҳволини соғломлаштириш жараёида пассив роль ўйнаб, ана ш мамлакатлар билан ҳамкорликдан факат бир томонлама наф кўришга уринмоқда, деди Каунда. У илгаригидек Жанбий Африка Республикасида қарши кенг қўлламадиган иқтисодий жазо чоралари юрйтиш этиздан бош тортаётган Фарб мамлакатларининг йўлини кескин қорапади. [ТАСС].

В Е Т Е Р А Н

№ 1 (62)

Справкалар бюроси



Ота касбига меҳр

Бир кун отаси ўғли билан уйга қайтар экан, ўқирди: — Ўғлим, катта бўлаг, албатта, заводга кириб ишла, яхши ишласанг, обрў-этибор топасан. Меҳнат кишини улуг'лайди, ёшликдан шунга одатлан.

Нуъмон отанинг Ҳасанбой исмли дўсти шу заводда илгор мастер эди. Унинг заводда яхшигина обрўси бор эди. Шу туфайли Раҳматулла 8-синфини тугатгач, ота фарзандини дўстининг тарбиясига топширди. Мастер Раҳматуллани завод қўшидаги меҳнат таълим билим юртига киритиб қўйди ва бўш вақтида заводга бориб ёнида иш ўрганиб тур, деб тайинлади. Раҳматулла мастердан кўп нарсга ўрганди. Ўқиниши амалий машғулот билан бирга қўшиб олиб борди. Билим юртини муваффақиятли тугатгандан кейин ҳақиқий ишчи бўлиб ишлаш бошлади.

Раҳматулла ўз ишига бўлган қизиқиш ва ҳаракатчанлиги туфайли заводда тезда кўзга ташланди. Алоҳида ёшлар бригадасига бошчилиқ қила бошладик. У рационализатор сифатида ҳам танилди. Ойлик нормани доимо ортири билан бақарар, махсуслот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор беради.

1963 йилда у КПСС сафига қабул қилинди. 1966 йилда эса

Ленин ордени билан тақдирланди! Унинг ўз касбига меҳри йил сайин товланиб бориш. Шу туфайли ҳам ҳар бир ёш илгари якунида социалистик мусобақанинг голиби бўлди.

У ҳозир «Ўзбекхлопкомаш» заводининг 3-ехида илгор мастерлардан биридир. Шу кунларда кўплаб ёшларга мурабийлик қилмоқда.

— Ёшлар,— дейди у биз билан суҳбатда, — заводга янги келган вақтида анча қўчиб туришди, бу ердан ишлар дастлаб аста-секин қийиндек туолади. Аммо аўла-секин ёшларга иш услуби ўргатиб, тушуштириб борибса, ҳушмуомаласлик қилинса, улар ҳар қандай касбини тезда ўзлаштириб оладилар ва унга меҳр қўядилар.

Дарҳақиқат, Р. Махаммаджонов шундай меҳрибонлик билан жуذا кўплаб ёшларнинг заводда ҳақиқий ишчилар бўлиб етишилари-га катта ҳисса қўйди. Ҳозиргача у ўнлаб шоғирдларини воғга етказган. Ўзи сингари улар ҳам илгор ишчилар сафидан жой олшган. Ҳабибулла Каримов, Анавар Розиков, Владимир Стеркин каби ёш ишчилар дастлаб унинг таълимини олганлар. Эндиликда улар тартиб иш олиб бормоқдалар.

Х. ИҶЛДОШЕВ
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи муҳбири.

Файзли хонадон

Ақмал Икромов райондаги «Бешкайрағоч» маҳалласида истиқомат қилувчи Турғун ака ва Махфуза ая Икромовлар хонадониде тоғдангиз қилувчи куй янгради. Ҳар доим тўй ва маросимларнинг бошида турлиб, йўл-йўриқлар кўрсатадиган, доно маслаҳатлари, турмуш тарзлари билан ибрат бўлаётган пире бадавлатларни пенсия ёши билан қўшлаш, уларга бўлган миннатдорчилик туйғуларини ва иззат-иқромни ифодалашнинг аниқ хонаси келганди! Табрик учун келган кўвчлар, ўғил-қиз ва неваралар даврасида ўтирган икки муруний чехрасидан табассум аримасди.

Турғун ака 40 йил бир касба меҳр билан ишлади. Урта Осиё темир йўли бошқармаси 2-вагон депосида ишчи сифатида алоҳида ўрни бор эди. Ҳурматга сазовор ишчи кўп марта Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Турғун ака ва Махфуза аяларнинг 9 фарзандини, 20 га яқин неваралари бор. Ўғиллари Убайдулла, Ҳайрулла, Файзулла — инженер, Абдулла — ўқитувчи, Сайфулла — ўқувчи, қизлари Раъно, Гулчехра — тикувчи, Рихсила — ҳисобчи, Дилбар — ўқувчи, келинлари Мадина, Фариза, Озода, Саидапар — турли касб эгаларидир.



— Турғун ака ҳозир ҳам қўл қозуштириб ўтиришни ёқтирамайдик. Активларимиз М. Ҳотамов, М. Раҳимжонов, Р. Бурунов, Т. Зайнутдинов билан бир сафда жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб келаяпти. Ёшларнинг киҳоқ тўйлари ичкиликсиз ўтмоқда, тўй ва маросим-

ларда бўладиган ортқича харажатлар кескин камаймоқда,— дейди биз билан суҳбатда «Бешкайрағоч» маҳалла комитетининг раиси Зуфар Алимов.

Ф. АБДУРАХИМОВ.
СУРАТДА: оила аъзолари.
И. Шоноғомов фотоси.


Санъат шайдолари

Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент тўқимачилик комбинатининг маданият саройида ветеранлар хори корхона ишчилари учун катта ва қизқарар концерт программасини намойиш этипти. Хор репертуаридан Улут Октябрьни, халқ матонатини шарафловчи қўшиқлар ва совет композиторларининг қўшиқ ҳамда лапарлари кент ўрин олган.

Хор коллективни шаҳар, област, республика бадий ҳаваскорлари конкурс-кўринининг актив иштирокчисидир. Улар Буюқ Ғалабаининг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Эртоқ қўшиқ» Бутунтиффоқ телевизион кўрик-конкурсининг лауреати бўлишган эди!

Мана, ўттиз йилдирик. Ўз сафига 50 кишини бirlаштирган бу ахил коллектив фақат тўқимачилар эмас, балки Ватанимизнинг бир қатор шаҳарлари аҳолисида ҳам ўз санъатларини намойиш этиб келмоқда. 15—20 йилдан бери ўзлигини қўшинсиз тасаввур етсизмайдиган тўқимачилар вакиллари дан Б. Вильнер, В. Христова, Т. Яковлева, Е. Красснопеова, В. Шишечкинлар бутун корхонанинг фахри. Хор ахли қизиде ҳарбий қисмларнинг бирида концерт бери. Ватан посбонлари учун берилган бу концерт программаси тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди.

Б. ОРИПОВ.



159-қурилиш трестининг бинкорлари ўртасида ветеранларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Шулардан бири монтажни Шамиль Абдуллаевдир. У ўзаро мусобақада қувончли ютуқларини қўлга киритяпти.

«ВИДЕО» ПРОГРАММАСИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

ЛЕНИНГРАД. Шаҳардаги бир неча норхонанинг бирлигидаги фаолияти натижасида видео-техниканинг бир қатор инженирлари яратилди. Видеотехникани яратишга доир регионал программани амалга оширишда Бутуниттифкоқ телевидение илмий-тадқиқот институтининг коллективи етакчи роль ўйнамоқда. Институт олимлари, инженерлари, конструкторларининг асосий вазифаси телекўрсатувлар учун журилмаганнинг янги турларини — профессионал студиялар ва репортёрлар видеокамераларини, видеомагнитофонларини, мамлакат телемарназирини жиҳозлаш учун телекинопроекция комплексларини яратишдан иборат.

Ҳозирча репортёрлар учун кичик ҳажмли КТ-190 видеокамераси яратилиб, кўлаб ишлаб чиқарила бошланди. Бу мамлакатимиздаги мавжуд элементлар базаси ва технология асосида шу хилдаги журилмаганнинг ишлаб чиқариш мумкин эканлигини исботловчи биринчи далил бўлди. Ҳозир институт олимлари овози



тиний нассетали видеомагнитофонларни яратиш борасида ишланмоқдалар.

чи С. С. Оленин мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сериали кичик ҳажмли телекўрсатувларни олиб бориш камераси.

М. Блохин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Маданият янгиликлари

ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШГА ҚИЗҚИШ

Самарқанд Давлат университетининг ҳузурида ташкил этилган кооперативга «Таржимон» деб ном берилди. Аввалги унинг асосий иши турли текстларнинг таржима қилиш бўлди, деб ўйланган эди. Бироқ одамлар турли ҳақлар тилла-динни ўрганиш имкониятига қизиқиб қолишди. Кооператив ўзбек ва рус, тожик ва араб, немис ва француз, урду тилларида гапиришни ўрганиш хоҳиши бор кишилар учун ўн олтинта гуруҳга очди.

Ургут районидagi Гус кишлоғида яшовчилар эса Форс адабий тилини ўрганишни хоҳладилар. Тодаги бу кишлоқда қадим-қадимдан эрон тили гуруҳидаги кирувчи қабилалар ҳам ёрдам қўлини чўздди.

«Таржимон» тил ўрганиш борасидаги фаолиятини кенгайтириб, эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолаётгани йўқ. Ҳокимиятнинг учун хитой тили гуруҳининг очилиш ҳам мўлжалланмоқда.

РУС ТИЛИ — ДЎСТ ТИЛИ

Саҳнада қувноқ Саратов ларпарлари янгради, сўнг унинг ўрини рус рақси эгаллади. Кейин эса қадимий рус қўшиқлари ижро этилди. Томошабинларга ёш ижрочилар — Чуст районидagi мактаб ўқувчилари маҳорати жуда мақбул бўлди, улар рус тили ва фольклорини яхши билмашларини намойиш қилдилар. Ҳолбуки, ёш артистлар ўзбек мактабларида ўқибатти. Улар Наманганда «Рус тили — дўст тили» шiori остида ўтказилган област фестивалининг қатнашчилари бўлишди.

Тўрақўрган ва Уйчи районларидан келган болалар ҳам қизқарил музикали программа тайёрлаган эдилар. Саҳнада намойиш этилган адабий-музикали композицияларда В. Маяковский, Р. Рождественский ва Р. Галазатовнинг мамлакатимиз халқлари дўстлигининг равиш бўлган рус тилининг буоқлиги ва аҳамиятининг тараннум этувчи шеърлари янгради. Фестиваль ҳақиқий интернационализм байрамига айланди.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Навоний шаҳридаги 8-мактаб ўқувчилари ватанимиздаги барча 15 та иттифоқдош республикани ҳаммасига сирдан сибхат қилдилар.

Махжислар зали чиройли бахтилан. Ўқувчилар СССР халқлари қўшиқларини ўрганиб, ижро этишди, қардош республикалар шоирларининг шеърларидан ўқиди ва лезгинка, гопак ҳамда рус халқ рақсларини берилиб ижро этишди.

Байрам қўраб ошхонасида ниҳосига етди. Ёш ошпазлар миллий таомлар тайёрлашда яхши билимга эга эканликларини намойиш этишди.

Иттифоқдош республикалар фестивали мактаб ўқувчиларида катта қизиқтири уйғотди. Фестиваль уларнинг фир доираси кенгайишга имконият таъминлашда яхши халқларнинг ўзига хос маданияти ҳамда ўрф-адоби билан танишишларига ёрдам берди.

(ЎзТАГ мухбирлари).

Болажоним!





Юзингни дераза ойнасига маҳкам босиб, нималарни ўйлаяпсан? Кўзларингни йўлдан олмай кимни кутяпсан? Ким у сени севмай сарғайтирган? Ким у қуралай кўзларингни ёшга тўлдирган?

Сени кўрди му болалигим кўз ўнгимда намоён бўлди. У сени кўрсатиб менга илтижо қилди: қутқар уни, унинг болалиги ҳам сеники каби бўлиши керак! Уни болалигига қайтар. У ҳам сенга ўхшаб капалак қувсин. Сенга ўхшаб сувлар билан пойга ўйнасин. Сенга ўхшаб эркалиниб яшасин!

О, болалигим! Қани эди, шу ишлар менинг қўлимдан келса! Қани эди, шу болажон ўз ҳаётини тугилиб, қайта бошласа! Қани эди, уни ҳозирги бағридош ота-онаси дунёга келтирмаса!..

ТИРИК ҚУРБОНЛАР

(Бадиий-ижтимоий очерк)



Чол қўлга қайтиб келганда қора чироқ хира милтирдир. Кампир мудрар, бола эса эски-тускилар ичида пишллаб ухларди. Чироқ шўъласи унинг дўмбоқ юзларига гул солиб, ўйнади.

— Урушга ҳам бола кўтариб келадими? — Узича сўзланди чол. — Онаси йўқдир-да, қолдиришга қўзи қиймаган, — донолик қилди кампир. Чол болага тикилди. Ўзининг жангида ҳалок бўлган ўғлонининг изларини унда излади. Топди. Йилмайди. Душманининг боласи эса ҳеч нарсадан беҳабар пишллаб ухларди. Унга бегона юрт аёли алла айтди, бегона юрт шамоллари танини сийлайди. Дарвоқе, отаси шу тупроққа қўмилди, дедик, бегона эмас. Чол ҳайлаб ботди. «Балки, кампир, душманининг боласи демади, бағрига босди! Балки! Ичкилиб эсайтириб олгунча ўлиб қолмасинда!»

Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистонга немис-фашишлар вақтинча босиб олган Белоруссия, Украина, РСФСР областларидан бир миллион киши эвакуация қилинди. Шуларнинг 200.000 нафари болалар эди.

Ўзбек халқи ўз қардошларига уй-тўридан халқ билди. Ётик болаларни эса ўз фарзандидек тарбиялади. Каттақўрғонлик Хамид Саматовлар оиласи 8 болани, тошкентлик темирчи Шоаҳмад ва Бахрихон Шоаҳмадовлар оиласи 14 турли миллат болаларини тарбиялаб вожага етказдилар.

Бу иснопарварлик тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан биридир.

Болажоним! Ҳозир болалар уйи оstonасидан ҳатлаيمان, сенинг ҳажжи юрагингда умид уйғонади: менга келганимкин? Отам шумикин?

Йўқ, журъат этолмайман остана ҳатлашга! Сенинг қалбингдаги умид парчаланишни истайман!

Сен кимнинг фарзандисан ўзи? Кимнинг пушти камаридан бўлгансан? Қардан келгансан? Ёки автобус бекатидан ўриндиқданми? Ёки ахлатхонадан чиққан дуру гаҳаримсан?

Болажоним! Умидларини, орзуларини дераза ойнаси тўсиб турган болажоним!

Ярим кечада гўдак туғилди. Врач-гинеколог Сурайё опа энгил тортиб ҳўрсинди: хайрият, Навихол келинчақ бўлса беҳоллига ётар, нафас олганида бўлиқ кўрақлари қалқиб-қалқиб тушарди. Эртасига ерталаб ёш она бироз ўзига келган, Сурайё опа ундан ҳол-аҳвол сўради.

Эсон-омон қутулиб олдинг, Назокат синглим! — деди у. — Ҳозир фарзандинг оғлиб келишди. Ўйраб дўмбоқчи, боласи тушмагур. Дингирга ҳам бор.

Назокат юзларини беркитиб ўкраб юборди.

— Керакмас, олиб келишмасин. Қўришни истайман! Менга бола керакмас!

Сурайё опа турган жойида қотиб қолди. — Биринчи боласи экан. Қийналганда синглим! — вазиятни қоматди палатадаги ўрта ёшлардаги аёл, — хали «Полвоним қани?» деб ўзи қидириб қолди.

Сурайё опа базўр жилмайди.

— Бугун юзқўрар бўлар экан-да, —

тегажолқ қилди бошқа аёл, — куёв тўрани бир туширайлик.

Назокат юзини ёстиқча босиб, додлаб юборди. Сурайё опа палатадаги хотинлар билан кўз уриштирди: масала равшан. Ҳаҳ, қизи тушмагур-ей!

Бош врачнинг қўнғилидан кечган гаплар тўғрилигини кечқурунги учрашув ҳам тасдиқлади.

Сурайё опа шу кунги кечгача Назокат турмуш ўртоғини, яна ҳам тўғрироғи эрини эмас, боланинг отасини кутди. Келмади. «Номард, — қўнғилидан кечирди опа. — Ҳеч бўлмаса келиб ахволини сўрамайсанми, туҳумингга ўт тушгур!»

Кечқурун Сурайё опани сўраб, бир кампир кириб келди.

— Келинг, холажон, — уни илиқ кутиб олди опа. Кампир чайнади.

— Келинг, холажон? — тақоррлади опа.

Шу, мен Назокатнинг онасиман, — деди кампир, овози росмана титраб, — сиз билан гаплашгани келувдим.

— Қўлогим сизда, холажон, — деди Сурайё опа.

— Йон синглим, — очикчасига кўчди кампир, — Назокатим билмай шу иштин қилибди. Отасининг жаҳли ёмон. Меҳмонга, аммасиникига кетди, уч-тўрт кунда келди деб буюққа олиб келганман. Вой, сир очилиб қолмасин деб нақ жоним бўғзимга келди!

— Ўша йигитни биласизми?

Кампир лабини титшлади.

— Ох, болама, қаердалигига билсам шунча азобининг менга нима кераги бор эди-ей! «Ғат-ғат» этди қарнайчи, балого қолди сурайига!» бўлиб ўтирибмиз! Бир иложини қилинг, болам.

— Нима қилай?

— Болани туғруқхонада олиб қолдинг.

— Сизларга керак эмасми бола?

— Ҳозирча керак эмас. Балки кейинроқ олиб кетарман.

— Йўқ, — Сурайё опа бош чайқайди.

— Боладан воз кечишингиз ҳақида тилхат ёзиб беринг. Қизингиз балки унамас бунга.

— Қизимга ҳам керакмас бола, — деди кампир, — тилхат бўлса, тилхат-да.

Сурайё опанинг кўз олдига чақалоқ келди: «Бечора, гўдак! Бунчалар тақдиринг тошдек қаттиқ бўлмаса. Бир умр она кўксини нималигини билмай ўтадиган бўлдинг!»

Туғруқхонадан чиқаётганда Назокат онасининг қўлидан юзқилиб чиқиб, Сурайё опага юзланди.

— Ҳеч бўлмаса бир марта кўрай. Кейин армоним йўқ.

— Йўқ, — деди Сурайё опа совуққина, — энди сизнинг боланинг эмас.

Назокат бошига муштлаб йўнғлади.

Шўрми қўрсин! Шўрғинам қўрсин. Бебақат қўрсин!

Она қизини дарвозадан судраб олиб чиқиб кетди.

— Неге кўрсатмадингиз? — сўради энага Заҳира опа. Унинг ўпаси тўлиб тургани шундоқлига кўриниб турарди.

— Агар бир марта кўрса, бутун бўлмаса эртасига яна келди. Онасининг айтишича Назоката бола керак эмас экан. Чақалоқни бефарзанд оила — Саҳоб ақанинг оиласи ўғил қилиб олди. Гўдакка Бахтиёр деб исм қўйилди. Уни бутун туғруқхона кузатиб чиқди десам

лоф бўлмас. Эр-хотин Бахтиёрни маҳкам бағрига босиб олган, Саҳоб ака нуқул илжаюр, ҳадеб Сурайё опанинг қўлини қисарди. Хотини бир-икки уни туртиб ҳам қўйди.

Ойла Бахтиёр исмли янги меҳмонни олиб жўнаб кетди.

«Бахти бўл, гўдагим!» — деди Сурайё опа. — Келгусида онангни шундай уялтиргинки! Ҳирсу ҳавас бандаси бўлган бу аёл ўз қилимишдан ўқинсин. Йилгасин, қон йилгасин! Йўғ-е, унда ҳам нима айб? Ё, тангирим. Нималар бўляпти ўзи? Болани туғиб ташлаб кетини-а? Тентак... Сен эса тентак бўлма, Бахтиёрим!»

Назокат бутун воқеадан хабардор бўлди. У Саҳоб ақанинг эшигига узоқ уралашиб юрди. Кейин тақдирга тан берди шекилли, қўрнмай қолди. Уни маҳалладагилар ҳам қайтиб кўришмабди.

Утган йили Тошкентдаги 12 туғруқхонада кўзи ёриган 240 она ўз боласидан воз кечди. 40 га яқин оналар эса ўз боласини кўча-кўйларга ташлаб кетди.

Ўзбекистондаги болалар уйларида яшаётган 28000 га яқин боланинг (шундан 7000 ги Тошкентда) 90 фоизи тирик етимлар, яъни ота-онаси бор болалардир.

Улар она алласини эшитишмаган.

Болажоним!

Сен ҳам Бахтиёр бўласан. Бунга шубҳа йўқ. Отанинг жажжи юрагинг зардобга тўлса ҳам кутиб, онангни кутиб, кўзларингдан ёш оқса ҳам, сен барибир бўлиб бўласан.

Сенинг мана шу ерда оламга зор-интизор қараётганинг учун кимни айблашим керак! Лаҳзалик лаззатдан бутун вужудда жунбўшга келиб яйраган, энди бўлса бутун умрини тава-тазарру билан ўтказётган онанингми! Аёл қалбидagi не-не эзгу ҳўсларини топтаб, сени бу оламга келтирганидан беҳабар бебурд отанингми!

Болажоним! Сенинг отанг Ватан! Онанг Ватан! Сенинг онанг Хлебзукина, Фароғат Сенинг юраги умондек бепоён, меҳри мажлиси аёллар! Сен яшаб турган ҳозирги уйинг — ота-онангниг уйи. Сени бахтли-тахтли қиладиган уй. Бу уйинг 285 миллион совет кишиларининг қалб қўри қароган қилиб турибди.

Ҳазрати аёл!

Менинг онам, менинг опам, менинг синглим, менинг суоқли ёрим, менинг қизим бўлган муътабар зот!

Сенга нима бўлди? Нечун сен ўз-лигининг қўлга ололмай қолдинг?

Сен ахир муҳаббатинг билан, муруватинг билан машҳури жаҳон эдингку! Юрагиндан таралиб турган эзгулик нурлари дунёнинг энг қоронғу бурчақларига ҳам ёғдуга тўлдирардику! Қўзингда юрагининг тафти учқунларидику!

Ҳазрати аёл!

Сенинг маҳинида не-не даҳо шоирлар қалам сурмади. Не-не марду майдонлар ифратинг, латифатинг олдига тиз қўмади. Алишерларни, Бобурларни, Улуғбекларни намолга етказдинг! Лекин...

Гўзал эди Саида. Жуда гўзал эди. У ТошМини тугатди, врач бўлиб кишлоқга қайтди. Абдуғаффор исмли йигит билан турмуш қурди.

Бахтли эди Саида. Жуда бахтли эди. Афсуски бу узоққа қўзилмади. Абдуғаффорнинг қўлогига айтдилар:

молеёт ичида туриб атроф муҳит ифлосланиши даражаси ва хусусиятини аниқлаш имконини беради.

БЛАГОВЕШЧЕНСК. Шаҳар яқинидаги дарахтзорда очилган «Василёк» санаторийси болалар учун мўлжалланган. Област ижroiа комитети собиқ пансионатининг уч қаватли биносини болалар шифохонасига айлантирди. Энди бу ерда нафас йўллари касалликларига йўлққан кичиктойлар ўз соғлиқларини тиклашади. Шифохонага энг замонавий медицина ускуналари ўрнатилган, керакли дори-дармонларнинг ҳаммаси бор. Энг муҳими ниҳоятда тоза ҳаво мазкур шифохонада доволаш ишлари жуда самарали бўлишидан дарак берамоқда. Қиш фаслида бу ерда бир вақтинг ўзида юз нафар мактабгача ёшдаги болалар дам олиб даволанадилар, ёз фаслида, ўқув йили тугагач, санаторий ўз эшикларини мактаб ўқувчилари учун очади.

ТЕРНОПОЛЬ. Конопковна қишлоғида колхозлараро янги «Медобори» санаторий-

си очилди. У ўз бағрига дастлабки дам олувчиларни қабул қилди. Санаторий област агросаноат комитети маблағларини кооперациялаш ҳисобидан бунёд этилди. Унда одамлар яхши дам олиши ва даволаниши учун барча зарур шароитлар яратилган. «Медобори» санаторийси ҳозирча Тернопольдаги колхозлараро ягона шифохона ҳисобланади. Яна бир 250 ўринли корпус ишга туширилиши билан бу ерда ҳар йили 5 минг кишидан ортқ қишлоқ меҳнаткашлари дам оладиган бўлади.

ВИЛЬНЮС. Литвада истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уюшмаси ташкил этилди. Уюшмага нарх ва товарлар сифати билан шуғулланувчи экспертлар, машҳур юристлар, иқтисодчилар ва касба союзи активлари кирдилар. Мазкур жамоат ташкилотини уставиинг лойиҳасида уюшманинг асосий вазифаси — кенг истеъмол молларининг реал нархини аниқлаш ва уларнинг сифатини контроль қилишдан иборат эканлиги айтилади. (ТАСС).

Реклама ва эълонлар

Ж. ОБИДОВА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТАМАКИ
ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ
42-УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
Ўқувчилар қабул қилади
билим юрти СИГАРЕТАЛАР ЛИНИЙЛАРИНИНГ
ОПЕРАТОР МАШИНИСТИ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА
ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР
ТАПЕРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.
ЎҚИШГА 17 ЁШДАН 35 ЁШГАЧА БЎЛГАН УРТА
МАЎЛУМОТЛИ НИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ
ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА
ОЛИВ БОРИЛАДИ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Ўқувчилар ойна 70 сўм стипендия билан таъминланади.

Ўқиниш аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта
ўқув юртига имтиёзли шартлар билан ўқишга қира-
дилар.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР
ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолгу ва ми-
лиш ансамбллари, бичиш ва тикиш, техника ижодиёти ту-
гаракли ишлаб турибди.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.
ХУҲНАРЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00
ҒАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қўйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:
салооматлик ҳақида справка, яшаш жойидан, ота-онаси-
нинг ишхонасидан справкалар, 6 донa фотосурат (3x4 см.).
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Киров райони,
Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (8, 9, 51, 60-автobусларнинг
«Ғалаба боғи» бекати).
Телефонлар: 34-57-13, 34-37-12.

Янги сартарошхона хизматингизда



Янги сартарошхонада аёллар ва эркеклар заллари,
косметик кабинет мавжуд, бу ерда маникюр қилдириш
ҳам мумкин.

Адрес: Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 9-уй
(23, 29-трамвайлар; 39-автobусларнинг «Генерал Петров
кўчаси» бекати).

Справкaлар учун телефонлар: 41-47-36, 41-47-46.
Тошкент шаҳар сартарошхона хизмати комбинати.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙ-
ЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА
ЎЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА
ТАКЛИФ
ҚИЛАДИ



ЎРТА ОСИЕ ИШГА ТУШИРИШ-СОЗЛАШ
БОШҚАРМАСИГА

енгил саноат корхоналарига атроф-муҳитни муҳофа-
за этиш техниклари, контроль-ўлчов приборларининг ин-
женер-созловчилари, йиғирув-туқув дастхоналарининг мон-
тажчи-созловчилари ва пардозлаш ишлаб чиқариши тех-
нологик ускуналарининг созловчилари.

Иш қонандировчиларга чиқиш билан боғлиқ.
ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАР-
ТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМИЛ ТОШКЕНТ ТИКУВ-
ЧИЛИК ИШЛАВ ЧИҚАРИШИ БИРЛАШМАСИГА,
ШУНИНГДЕК БИРЛАШМАНИНГ 4-ФИЛИАЛИГА
тикувчи-мотористкалар, тикувчи-шоғирдлар — ўқиш
муддати 2 ой.

Бирлашмада ишчилар учун яхши социал-маиший ша-
роитлар яратилган, учта болалар комбинати, маиший ком-
плекс, медреса, гузаллик саломи, озиқ-овқат, саноат
моллари, савзавот, қандолат маҳсулотлари билан савдо
қилувчи магазинлар, китоб магазини, кутубхона мавжуд.
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН-
ТЕХНИКА ЗАВОДИГА

катта архитектор, конструктор қурувчи, катта инже-
нерлар, электр таъминоти бўйича катта инженер, сув-
қувурлари, канализация, иситиш ва вентиляция бўйича
катта инженер, сметачи-инженер, ярим ўтказ-
гич приборларини йиғирувчи 3-5 разрядли то-
карь, 4-5 разрядли электр монтер, 3-4 разрядли фрезер-
чи.

МАЎЛУМОТЛАР ВА ИШГА ЎЎЛЛАНМАЛАР
ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА
МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МАРКАЗИ — Космо-
навтлар проспекти, 6-уй.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Фарҳод
кўчаси, 21-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН БЎЛИМИ — К. Маркс кўча-
си, 59-уй.

КИРОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Энгельс кўчаси, 48-уй.
ЛЕНИН РАЙОН БЎЛИМИ — Т. Шевченко кўчаси,
64-уй.

ОКтябрь РАЙОН БЎЛИМИ — У. Юсупов кўчаси,
3-уй.

СОБИР РАХИМОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Қорасарой
кўчаси, 270-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН БЎЛИМИ — Спутник массиви,
2-квартал, 69-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН БЎЛИМИ — Шота Руставели кў-
часи, 87-уй.

ҲАМЗА РАЙОН БЎЛИМИ — Ҳасанова кўчаси, 10-
уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН БЎЛИМИ — Чилонзор масси-
ви, 2-квартал, 3-уй.

ТОШКЕНТ
Оқшоми
Ўзбек ва рус тилла-
рида мустақил равишда
нашр этилади.



«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбе-
кистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қи-
зил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ
АДРЕСИ:
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.



Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлари: партия турму-
ши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар ҳуна-
лиги — 32-54-19; социал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва
ошмавий ишлар — 33-29-70; мамолатчилик реданцияси —
33-99-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентлик» ҳафталик ре-
кламалар — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Яқшанбада
ташқари,
ҳар кун чикар,
Тиражи — 125.00.